

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ
ТАРЖИМОНЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

КУРС ИШИ

Мавзу: Инглиз тилидаги феълларда
симметрия ходисаси

Бажарди: Абидов М.

Самарқанд – 2013

М У Н Д А Р И Ж А :

К и р и ш. Феъл сўз туркуми ва унинг лексик – семантик таснифи.....	3
А с о с и й қ и с м. Феълларда симметрия ҳодисаси ва унинг грамматик моҳияти.....	14
1. Симметрик феъллар семантикаси.....	14
2. Симметрик феълларнинг синтагматик ва парадигматик хусусиятлари.....	19
3. Симметрик феълларнинг структур–синтактик хусусиятлари.....	24
Хулоса	31
Фойдаланилган адабиётлар руйхати.....	33

К И Р И Ш

Феъл сўз туркуми ва унинг лексик – семантик т а с н и ф и

Феъл асосий сўз туркумларидан бири бўлиб, ўз маъноси, грамматик шакллари ва синтактик вазифалари билан бошқа сўз туркумларидан ажралиб туради. Феъл иш-ҳаракатни, мавжудликни, ҳолатни ва муносабатни замон нуқтаи назаридан аниқлаган ҳолда жараён тарзида воқелик билан боғлайди. Айнан ана шу хусусияти билан феъл ундан ясалган отдан фарқ қилади.

Феъллар ҳаракат маъносини билдирувчи сўзлардир. Грамматикада ҳаракат маъноси жуда кенг бўлиб, *у to come, to walk* каби феъллар ифодаладиган ҳаракатларни, *to wake up, to stand* каби феъллар ифодаладиган ҳолатларни, *to astonish, to worry* каби феъллар ифодаладиган руҳий ўзгаришларни, *to blossom, to grow* каби феъллар ифодаладиган биологик жараёнларни ҳамда шу каби ҳаракат ва ҳодисаларни ўз ичига олади. Буларнинг ҳаммаси ўзига хос хусусий томонларга эга бўлиши билан бир қаторда, уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган томони ҳам мавжуддир, яъни улар замон билан боғлиқ ҳолда юз берувчи ҳодисалар бўлиб ҳисобланади.

Феъл мустақил сўз туркуми бўлиб, у юқорида таъкидланганидек, ҳаракат, ҳолат ёки жараёни, яъни маълум бир белгининг пайдо бўлиши ва ўзгариши кабиларни ифодалайди. Феълга хос бундай маъноларнинг барчаси уни бошқа сўз туркумларидан фарқлашга ёрдам берадиган умумий ҳаракат маъносига бориб тақалади.

Феъл вақт давомида содир бўладиган белгининг, ҳаракатнинг грамматик аҳамиятини ифодаладиган сўз туркуми бўлиб ҳисобланади. Ҳаракатнинг грамматик аҳамиятини кенг маънода тушуниш мумкин. У нафақат ҳаракат ва том маънодаги фаолиятни ифодалайди, балки ҳолатни ва маълум бир предмет ёки шахснинг мавжудлигини кўрсатади. Масалан:

A chair is a piece of furniture.

He wrote a letter.

He will soon recover.

Муҳими шундаки, феъл ўзида маълум бир вақт давомида содир бўладиган ҳаракатга хос хусусиятларни акс эттиради. Бу хусусиятлар феълнинг шахсли шаклларида (Finite forms) намоён бўлади ва шунинг учун ҳам феъл шахсли шакллариининг синтактик вазифаси гапда фақат кесим сифатида қўлланилишдан иборатдир.

Инглиз тилида мавжуд бўлган феълларнинг барчаси маълум бир морфологик хусусиятларига кўра икки гуруҳга бўлинади. Бу маълум бир морфологик хусусият ўтган замон шакллариининг ва сифатдош II нинг ясаиш усуллари билан боғлиқдир.

Биринчи гуруҳга тўғри феъллар, иккинчи гуруҳга эса нотўғри феъллар киради. И.П.Иванов, В.В.Бурлакова ва Г.Г.Почепцовлар ўзларининг «Теоретическая грамматика современного английского языка» китобида бу икки гуруҳни стандарт ва стандарт бўлмаган феъллар гуруҳи деб атайдди.

Биринчи гуруҳ феъллари, яъни тўғри феъллар инглиз тилида кўпчиликини ташкил этади. Улар дентал (тиш иштирокидаги) суффикснинг қўшилиши билан ясалади. Уларнинг уч хил фонетик кўриниши мавжуд бўлиб, биринчи ҳолатда сўз охиридаги жарангли ундош ва унлидан сўнг /d/ товуши қўшилади: *saved* /seɪvd/; *achieved* /ækəʊd/; иккинчи ҳолатда жарангсиз ундошдан сўнг /t/ товуши қўшилади: *looked* /lʊkt/; учинчи ҳолатда эса тиш ундошларидан сўнг /ɪd/ товуши қўшилади: *loaded* /laʊdɪd/.

Иккинчи гуруҳни эса нотўғри феъллар ташкил этади. Нотўғри феъллар асосан, кучли феъллардан иборат бўлиб, улар қадимги инглиз тилига хосдир. Ҳозирги замон инглиз тилида бундай феъллар унчалик маҳсулдор бўлмаган, лекин ўзларининг шакллариини қатъиян сақлаб қолган феъллар саналади. Улар ўз навбатида бир қанча майда гуруҳларга бўлинади:

1. Ўзакдаги унлининг ўзгариши ва сифатдош(II)га *-en* нинг қўшилиши: *write(wrote; written)*, *choose(chose; chosen)*, *speak(spoke; spoken)*;

2. Ўзак унлининг ва охирги унлининг ўзгариши ёки дентал суффикснинг қўшилиши: *think (thought; thought), tell (told; told), say (said; said;), can (could; could);*

3. Феъл ўзагига дентал суффикснинг қўшилиши ёки охирги ундошнинг ўзгариши: *burn(burnt; burnt), pay(paid; paid), send(sent; sent), make(made; made);*

4. Шаклини ўзгартирмайдиган феъллар: *put (put; put), set (set; set);*

5. Супплетив шаклга эга бўлган феъллар: *go (went; gone), be (was, were; been);*

Инглиз тилида феълларнинг юқорида санаб ўтилган икки туридан ташқари яна бир тури мавжудки, улар аралаш феъллар деб аталади. Аралаш феъллар инглиз тилида қолган икки гуруҳга нисбатан жуда озчиликни ташкил этади. Улар тўғри феъллардек ёки нотўғри феъллардек ясаиши мумкин. Бундай феълларга *show, mow, sow, ripe* ва бошқалар киради. Уларнинг айримлари сифатдош шаклида икки хил кўринишни ўзларида акс эттиришлари мумкин : *ripe – ripened – ripened, ripen.*

Инглиз тили грамматикасида юқоридаги феъллардан ташқари модал феъллар ҳам мавжуд бўлиб, улар агенснинг ҳаракатга бўлган муносабатини ифодалайди. Бу муносабат ўз навбатида имконият ва мажбурият маъноларидан ташкил топади. Бу эса модал феълларга хос асосий грамматик маънолар ҳисобланади.

Модал феълларда шахс ва сон категориялари мавжуд бўлмайди. Уларнинг ҳаммаси ҳам ўтган замон шаклига эга эмас. Келаси замон шакллари эса уларда умуман йўқ. Шунинг учун ҳам келаси замон маъноси уларда тасвирий қурилмалар орқали ифодаланади.

Феъл сўз туркуми бошқа сўз туркумларига қараганда анча бой ва мураккаб грамматик категориялар тизимига эгаллиги билан ажралиб туради. Инглиз тили грамматикасида феъл сўз туркумининг грамматик категориялари шахс, сон, аспект, замон, майл ва нисбат категорияларидан иборатдир. Лекин, баъзи грамматик тилшунослар шахс ва сон категориясини

фeyлнинг грамматик категориялари қаторига киритиш керакми ёки йўқ деган мунозарали саволни ҳам ўртага ташлаганлар. Бирок, шахс ва сон категориясисиз фeyлнинг грамматик моҳиятини очиб бериш мумкин эмас.

Инглиз тилида фeyл категориялари синтетик ва аналитик шаклларда ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам аффиксация, ички флексия ва ёрдамчи сўзлар бундай грамматик категорияларни ифодалаш воситалари бўлиб хизмат қилади. Инглиз тили фeyл тизимида шахс ва сон категорияси фақат синтетик шаклга, нисбат категорияси аналитик шаклга, замон, тур ва майл категориялари эса синтетик ва аналитик шаклларга эга.

Биз фeyлнинг грамматик категорияларидан нисбат категорияси хусусида батафсилроқ тохталмоқчимиз. Негаки, ушбу ишимизнинг тадқиқот объекти ҳисобланган инглизча симметрик фeyллар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари фeyллардаги нисбат категорияси билан семантик жиҳатдан биров яқинликка эга.

Нисбат категорияси хусусида гапирар эканмиз, унга шундай изох бериш мумкинки, фeyлга хос нисбтан категорияси синтактик конструкция томонидан ифода этилган вазиятнинг иштирокчилари ўртасидаги муносабат характери ва унинг йўналишини кўрсатади. Нисбат категориясининг тилда мавжудлиги одатда фeyлнинг аниқ нисбат шакллариини мажҳул нисбат шаклларига қарама-қарши қўйиш йўли билан аниқланади. Бу асосий фeyлнинг сифатдош II шакли, яъни *be – Ven* ёрдамида ифодаланади. Бундай қарама-қарши қўйишда мажҳул даража оппозициянинг белгиланган, яъни ифодали ва кучли аъзоси ҳисобланади. Мажҳул даража синтактик қурилма эгаси томонидан иш-ҳаракатни ўзига қабул этишни ифодалайди. Бу қурилмалардаги эга мажҳул ёки пассив эга деб юритилади ва иш-ҳаракатнинг объекти вазифасини ўтайди. Аниқ нисбат шакли бу оппозициянинг кучсиз аъзоси бўлиб, мазкур маънони умумлаштирган ҳолда номажҳуллик тарзида ифода этади. Бу номажҳуллик ўзбек тилида каузатив нисбат, ўзлик нисбат, биргалик нисбатлар тарзида намоён бўлиши мумкин. Инглиз тилида фeyлларнинг мажҳул нисбат шаклида ишлатилиниш кўлами анча кенгдир.

Жумладан, инглиз тилида ўзбек тилидагидек фақатгина ўтимли феъллар эмас, балки ўтимсиз феъллар ҳам мажҳул нисбат шаклида ишлатилаверади. Масалан:

Tom has just been rung up by the police.

Томга ҳозиргина полициядан қўнғироқ қилишди.

The diplomat was refused transit facilities through London.

Дипломатга Лондон орқали ўтишга рухсат берилмади.

Биринчи гапда инглиз тилидаги мажҳул нисбат шакли ўзбек тилида биргалик нисбат шаклида бериляпти. Иккинчи гапда эса инглиз тилидаги мажҳул даража шакли ўзбек тилида ҳам сақланмоқда. Қуйидаги гапга эътибор қилайлик:

She was undisturbed by the frown of his face.

Йигитнинг юзидаги ғазаб ифодаси қизни безовта қилмади.

Бу гапда мажҳул нисбат ифодаси ўзлик нисбат шакли орқали ифода этилмоқда. Шунингдек, инглиз тилидаги мажҳул нисбат шакли ўзбек тилига таржима қилинганда биргалик нисбати ёки аниқлик нисбати орқали ҳам берилиши мумкин. Масалан:

Have you ever been told that you were good looking?

Сизга ҳеч маҳал “сиз жуда истарангиз иссиқ” деб айтилмаганми?

Юқорида биз тўлдирувчи билан ишлатилинадиган айрим феълларнинг мажҳул даражада ишлатилинишини кузатдик. Аммо, шу турдаги барча феъллар ҳам пассив шаклда ишлатилавермайди. Масалан, ҳолатни билдирувчи феъллар, яъни *to have, to belong, to cost, to resemble, to fail, to misgive* каби қатор феъллар мажҳул даражада ишлатилмайди. Шунга кўра феъллар икки ката гуруҳга бўлинади:

1) мажҳул даража шаклида ишлатилинадиган феъллар;

2) мажҳул даража шаклида ишлатилмайдиган феъллар;

Агар инглиз тилида феълларнинг катта бир қисми мажҳул нисбат шаклида ишлатилмаслиги эътиборга олинса, нисбат категориясини инглиз тилида феълларга мансуб грамматик категория деб айтишга асос йўқдек

туюлади. Чунки, агар нисбат категорияси оппозицияси икки аъзодан – актив ва пассив аъзолардан иборат бўлиши ва катта бир гуруҳ феълларда бу оппозиция нейтрализацияга учраши назарда тутилса, бундай грамматик категориянинг тилда мавжуд грамматик категориялар орасидаги ўрни ҳақида ўйлаб кўришга тўғри келади. Негаки, актив шаклнинг фаоллигини исботлаш учун уни пассив шаклга солиштириш керак, шунда актив шаклнинг пассив шаклга ўхшамаганлиги уни актив деб айтишга асос бўлади.

Актив-пассив оппозицияси ишламайдиган, яъни нейтраллашган бу ўринларда, умуман, нисбат ҳақида гапирилмаса ҳам бўлади. Аммо инглиз тилидан фарқли ўлароқ, ўзбек тилида бу каби феъллар ва бошқа барча феъллар нисбат категорияси орбитасидан чиқиб кета олмайди, чунки, биринчидан, бу тилларда нисбат категорияси кўп аъзоли оппозицияга эга. Иккинчидан, агар аъзолар сони кўп бўлса, буни оппозиция деб номлаш қийин.

Феълнинг асосий синтактик вазифаси кесим бўлиб ҳисобланади. У муайян шахс ва сон шаклида намоён бўлади. Феълнинг морфологик категориялари унинг умумий маъноси ва синтактик вазифалари билан тўғридан-тўғри боғлиқ. Майл, замон, нисбат, шахс – сон феълнинг морфологик категорияларидир.

Гапда субстантив табиатга эга бўлган актантлар, носубстантив табиатга эга бўлган сирконстантлар ва предикативлар феъл билан тўғридан-тўғри алоқага кирадиган сўзлар ҳисобланади. Бунда субстантив табиатга эга бўлган актантлар от билан ифодаланган субъект, объект, инструмент ва шу кабиларни, носубстантив табиатга эга бўлган сирконстантлар турли хил равишларни, предикативлар эса кўмакчи феъл ва отдан таркиб топган кесимнинг компонентларини ўз ичига олади.

Феъллар ифодаладиган маълум бир иш-ҳаракат ёки жараён турли хил субстанциялар ва воқеликлар билан боғланганда феъл ўз хусусиятини намоён этади. Бу хусусият унинг маъносида ва грамматик категорияларида ўз

аксини топади. Ҳаракатнинг уч хусусияти кузатилади. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Ҳаракатнинг ички миқдор-сифат хусусиятлари: иш-ҳаракатнинг статик ва динамиклиги, иш-ҳаракатнинг суръти, иш-ҳаракатнинг бир марталиги ёки кўп марталиги, иш-ҳаракатнинг давомийлиги ёки қисқалиги, иш-ҳаракатнинг тугалланганлиги ёки тугалланмаганлиги ва шу кабилар.

2. Феълнинг актантлар билан бўлган алоқаларида ифодаланадиган ички хусусиятлар. Улар феъл семантикасида, шахсли ва шахсиз, ўтимлилик ва ўтимсизлик каби лексик грамматик категорияларда ҳамда шахс, нисбат каби грамматик категорияларда ўз ифодасини топади.

3. Мулоқот қатнашчиларининг, яъни коммуникантларнинг гапда ифодаланадиган воқеликка муносабатида (модаллик категориясида), муайян иш-ҳаракатнинг нутқ амалга ошаётган вақтга нисбатан ёки бошқа иш-ҳаракатга нисбатан бўлган муносабатларда (замон категориясида) ўз ифодасини топадиган ташқи хусусиятлар.

Феъл тизимини аниқлаш феъл сўз туркуми чегараларини белгилаш демакдир. Бунинг учун феъл шаклларини аниқлаш, уларни бир-биридан фарқлаш ва феъл тизимининг ички тузилишини очиқ берадиган семантик оппозицияларни кўрсатиш ва бошқа масалаларни чуқур ўрганиш лозим.

Феълларнинг лексик-семантик гуруҳлари хусусида тухталсак, улар ўзига хос тарзда бир неча гуруҳларни ташкил этади. Хусусан, инглиз тилида феъллар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- 1) семантик – грамматик жиҳатдан мустақил ва ёрдамчи феълларга;
- 2) ифодаланаётган жараённинг ички хусусиятларига кўра ҳадли ва ҳадсиз, статик ва динамик феълларга;
- 3) синтактик қуршовда келадиган актантларнинг сони ва табиатига кўра бир ва кўп валентли феълларга ҳамда ўтимли ва ўтимсиз феълларга.

Феълларнинг лексик-семантик таснифи ҳақида гапирар эканмиз, аввало шуни таъкидлаш жоизки, уларнинг лексик-семантик жиҳатдан

таснифланиши феълларнинг гапда кесимнинг у ёки бу тури вазифасида келиши билан боғлиқдир. Феълларнинг бундай хусусияти бевосита лексик жихатдан тўлиқ маънога эгалигининг даражасидан келиб чиқади. Шунга кўра улар мустақил ва ёрдамчи феълларга бўлинади. Мустақил феъллар лексик жихатдан тўлиқ қийматга ва мустақил маънога эга бўлиб, улар маълум бир ҳаракат ёки ҳолатни ифодалай олади. Ёрдамчи феъллар эса гапдаги кесим таркибида соф грамматик вазифани бажаради.

Мустақил феъллар қуйидаги хусусиятларга эга: ҳаракатни билдиради, яъни мустақил маънога эга бўлади ва гапда унинг бирор бўлаги сифатида кела олади. Ёрдамчи феъллар эса, ҳаракатни билдирмайди, яъни мустақил маънони ифодалай олмайди деб изоҳ берилади. Лекин, инглиз тилида бутунлай ёрдамчи феълга айланган, яъни мустақил маъносини йўқотиб, фақат ёрдамчи феъл сифатида қўлланиладиган бирорта ҳам феъл йўқ. Айрим мустақил феъллар ёрдамчи феъл вазифасида қўлланилади ва турли-туман маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади.

Ёрдамчи феъллар ўз навбатида ёрдамчи ва боғловчи феълларга бўлинади. Ёрдамчи феъллар феълларнинг аналитик шаклларида соф грамматик компонент сифатида иштирок этади. Бунда улар лексик қийматларини батамом йўқотадилар ва шунинг учун ҳам улар бошқа мустақил феъллар билан бирикиш имкониятига эга бўладилар. Масалан:

I have seen my friend lately.

Бу гапдаги *to see* феъли умуман *have* феъли билан бирикиши мумкин эмас, лекин *have* феъли ўзининг лексик маъносини йўқотиши уларнинг гап кесимини биргаликда ташкил этишини тақозо этмоқда. Компонентлар ўртасидаги синтактик муносабатнинг бундай тарзда йўқолиши аналитик шаклларнинг асосий белгиларидан бири саналади.

Ёрдамчи феълларнинг иккинчи майда гуруҳини боғловчи феъллар ташкил этади. Уларнинг грамматик вазифаси А.И.Смирницкий таъбири билан айтганда, маълум бир предмет(ҳодиса)ни ўзининг бирор бир белгиси билан боғлаб кўрсатишдан иборатдир. Улар боғловчи – феъллар деб аталиб,

гапда худди мустақил синтактик бирлик сифатида фаолият кўрсатади. Боғловчи-феълларнинг бир гуруҳи маълум бир маънода лексик семантикага эга бўлса (буларга мисол тариқасида *to be, to keep* феълларини келтириш мумкин), яна бир гуруҳи эса, ўзларида айнан боғловчилик хусусиятини акс эттиради (масалан, *to become, to get, to turn* феъллари бунга мисол бўла олади).

Ифодаланаётган ҳаракатнинг ички жараёнига кўра феъллар ҳадли ва ҳадсиз, яъни тугалланган ва тугалланмаган феълларга бўлинади. Бундай феъллар инглиз тилидаги феъллар лексик-семантик гуруҳининг иккинчи бир гуруҳини ташкил этади. Ўз табиатида кўра тугалланиши мумкин бўлган иш-ҳаракатни ифодалаган феъллар ҳадли феъллар дейилади. Бундай феъллар сирасига *to born, to die, to enter, to take, to give, to fall, to forget, to throw* ва бошқалар киради. Бу феъллар ифодалаган иш-ҳаракатнинг натижасида субъектнинг ёки объектнинг табиати ёки ҳолати ўзгаради. Иш-ҳаракатнинг давомийлигини, унинг ривожини билдирадиган феъллар ҳадсиз феъллар дейилади. Бундай феъллар қаторига боқийликни (*to live, to exist*), эҳтирос ва муносабатларни (*to love, to respect, to see*), умумий ҳаракат ва машғулотни (*to work, to speak, to sing, to walk, to go, to run*) англатадиган феъллар киради.

Инглиз грамматик илмида феълларнинг бу икки тури баъзи олимлар томонидан "non-perfect" ва "perfect", бошқа бир гуруҳ олимлар томонидан эса "continuous" ва "non-continuous" атамалари билан номланади.

Статик ва динамик феъллар инглиз тили феълларига хос лексик-семантик гуруҳининг иккинчи гуруҳини ташкил этади. Феъл семантикаси нафақат у ёки бу актант билан ишлатилишига, балки феъл англатаётган иш-ҳаракат жараёнида актантлар ҳолатининг ўзгаришига ҳам боғлиқ. Шу нуқтаи назардан феъллар динамик ва статик феълларга бўлинади. Статик феъллар субъект ёки объектнинг ҳолати ўзгармайдиган жараённи ифодалайди. Масалан, *he lives in Samarkand; he is sleeping*; Динамик феъллар субъект ёки объектнинг жойидан жилиши, ўзгариши билан боғлиқ маъноларни ифодалайди, масалан, *he is walking ; he is opening the box; he is writing a letter.*

Феъл англатган ҳаракат ва ҳолатнинг объектга бўлган муносабати турлича бўлади. Бир хил феъллар ҳаракатнинг бирор нарсага ўтганлигини билдиради. Баъзи феъллар эса ҳаракатнинг предмет-объектга ўтмаганлигини билдиради. Шунинг учун ҳам феъллар ҳаракат ва ҳолатнинг предмет-объектга бўлган муносабатига қараб икки турга бўлинади: 1) ўтимли феъллар ва 2) ўтимсиз феъллар. Улар феъллар лексик-семантик гуруҳининг учинчи гуруҳини ташкил этади. Бизнинг ушбу битирув малакавий ишимизнинг тадқиқот объекти ҳисобланган симметрик феъллар ҳам айнан ўтимлилик ва ўтимсизлик хусусияти билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам феълларнинг лексик-грамматик турлари ичида ўтимли ва ўтимсиз феълларга кенгроқ маънода ёндашишимиз лозим.

Ўтимлилик семантик-синтактик категория ҳисобланади. Унинг семантик томони шундан иборатки, у феъл билан тўлдирувчи ўртасидаги маъновий боғлиқликни ифодалайди. Инглиз тилида кўпчилик феъллар тўлдирувчисиз қўлланилмайди. Агар қўлланилганда ҳам феъл ўзнинг маъносини ўзгартиради. Ўтимлиликнинг синтактик томони шундан иборатки, у феълнинг айнан воситасиз тўлдирувчи билан бўлган муносабатини ифодалайди.

Феъл туркумига хос категориялардан ўтимлилик ва ўтимсизлик доимо тадқиқот объекти бўлиб келган. Шунга қарамай, бу ҳодиса ҳамон тилшунослар эътиборини тортмоқда. Бу борада қанчадан-қанча тилшунос олимлар илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар. Уларнинг ушбу масала юзасидан юритган фикрларига назар ташласак, шу нарса аён бўладики, унинг тил сатҳларидан қайси бирига ҳослиги масаласи олимларни ўзига жалб қилади. Бу категория феъл сўз туркумига хос. Демак, у морфологик сатҳ объекти бўлиб ҳисобланиши керак. Аммо унинг морфологик кўрсаткичи мавжуд эмас. Шунинг учун ўтимлилик ва ўтимсизлик маъноси феъл асосининг семантикаси билан белгиланади ва феъл ифодалаган ҳаракатнинг объектга бўлган муносабатини кўрсатади. Бу синтактик сатҳда намоён бўлади. Шундай экан, бу категория қайси сатҳ объекти деган савол туғилиши табиий.

Кўпчилик тилшунос олимларнинг фикрича, маълум бир феълдан англашилаётган ҳаракат субъектдан объектга ўтса ва унга таъсир қилса бундай феъллар ўтимли феъллар деб аталади. Масалан:

Anvar is reading a book .

He is eating an apple.

Бу мисоллардаги *to read, to eat* феълларидан англашилаётган ҳаракат ушбу гапларнинг объектлари ҳисобланмиш *a book, an apple* сўзларига ўтмоқда. Энди қуйидаги мисолларга эътибор қилайлик:

Anvar is sleeping.

He is coming.

Бу мисоллардаги *to sleep, to come* феълларидан англашилаётган ҳаракат субъектнинг ўзида қолмоқда, шунинг учун ҳам бундай феъллар объект талаб этмайди ва улар субъектли феъллар деб аталади.

Ўтимли феъллар доимо бирор бир объектни талаб этади чунки, ўтимли феъл гапда тўлдирувчисиз ишлатилса гапнинг маъноси тўлиқ бўлмай қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам улар объектли феъллар деб аталади.

Феълларнинг худди шундай ўтимлилик ва ўтимсизлик хусусияти билан боғлиқ бўлган яна бир гуруҳ феъллар мавжудки, улар симметрик феъллар деб аталади. Ҳозирги кунда инглиз тилида бундай феъллар юздан ортиқни ташкил этади. Биз ишимизнинг асосий қисмида симметрик феъллар ва уларга хос грамматик хусусиятлар борасида батафсил тухталиб ўтамыз.

Феълларда симметрия ҳодисаси ва унинг грамматик моҳияти

1. Симметрик феъллар семантикаси

“Симметрия” атамаси тилшуносликка математикадан кириб келган. Махсус луғатларда у қуйидагича изоҳланади : “Симметрия – симметрия ўқи ёки симметрия маркази ёки симметрия текислиги бор фигураларнинг хоссасидир.” “Симметрия” тушунчаси бошқа хил талқинларга ҳам эга. Масалан, таниқли мантиқшунос олим Н.И.Кондаков бу атамани қуйидагича изоҳлайди: “Симметрия – маълум бир бутуннинг иккала томонидаги қисмларнинг ўхшашлиги.”

Ўзбек тили изоҳли луғати “симметрия” сўзи борасида қуйидаги маълумотларни келтиради: «Симметрия - бирор нарсанинг маълум нўқта, чизиқ ёки текисликка нисбатан қарама-қарши томонда жойлашган қисмлари ўртасидаги мутаносиблик, ўхшашлик, мослик, уйғунлик. »

Симметрия сўзининг талқинини турли манбалардан ўрганиш шуни кўрсатадики, маконда мавжуд бўлган маълум бир ўқнинг икки томонидаги унсурларининг ўзаро жой алмашуви натижасида моҳият ўзгармаса, симметрия ҳодисаси деб қараш мумкин. Масалан:

*The dress **shrunk** in washing. – Куйлак **кичрайди** ювишда.*

*Washing **shrunk** the dress – Ювиш **кичрайтирди** куйлакни*

Инглиз тилида симметрик феъллар кўпчиликни ташкил этади. Шу боис, симметрик феъллар масаласи баъзи бир тилшуносларнинг тадқиқот объекти ҳисобланган. Жумладан, Т.В.Ерохина ўз илмий тадқиқотларида икки ёқлама йўналтирилган инглизча феълларнинг семантик актуализацияси борасида иш олиб бориб, уларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилади ва инглизча симметрик феълларнинг грамматик моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилади.

Т.В.Ерохинанинг талқинича, битта сўз (от) маълум бир феъл-кесимнинг ҳам субъекти, ҳам объекти (тўлдирувчиси) бўлиб кела олса, бундай феъл симметрик феъл ҳисобланади. Номинатив аспектда бу ҳолат шуни англатадики, феълга хос маълум бир белги субъект томонидан ҳам, объект томонидан ҳам намоён бўлиши мумкин.

Семасиологик аспектда симметрик феъллар икки хил вариантни ўзларида акс эттиради, яъни бевосита номинатив бўлган ва ясама номинатив бўлган вариантлар. Уларнинг иккаласи ҳам феълнинг бир хил белгисини ифодалайди, бу белги эса феъл лексик маъносининг асосини акс эттиради. Масалан, *break smth – smth breaks*. Мантиқан олиб қараганда, улар конверсив шакллар ҳисобланади.

Инглиз тили грамматикасида қуйидаги феъллар гуруҳини симметрик феъллар деб аташ мумкин:

<i>begin</i>	<i>burn</i>	<i>burst</i>
<i>clear</i>	<i>close</i>	<i>cook</i>
<i>crack</i>	<i>decrease</i>	<i>develop</i>
<i>divide</i>	<i>explode</i>	<i>fill</i>
<i>fry</i>	<i>improve</i>	<i>increase</i>
<i>loosen</i>	<i>roll</i>	<i>shape</i>
<i>spoil</i>	<i>wake</i>	<i>warm</i>
<i>worry</i>		

Феъл лексемаси семасиологик нуқтаи назардан таснифланганда юқорида санаб ўтилган бундай феъллар икки ёқлама йўналтирилган объектли ва субъектли феъллар гуруҳига киритилади ва инглиз тили луғат бойлигида улар кўпчиликни ташкил этади. Бундай феълларнинг нутқ жараёнида кенг қўлланилиши уларнинг лексик-семантик хусусиятларини тадқиқ этишни тақозо этади.

Авваламбор шуни таъкидлаш керакки, уларнинг нега субъектли ва объектли эмас, балки объектли ва субъектли деб аталишини тушуниш ҳар доим ҳам осон кечавермайди. Қоидага биноан, уларнинг бундай номланишини мантиқий йўл билан аниқлаш мумкин. Шунингдек, маълум бир феъл ифодаляётган иш-ҳаракатни ҳам объект, ҳам субъект томондан таққослаган ҳолда уларнинг объектли ва субъектли, яъни симметрик феъл эканлигини англаш мумкин. Масалан, қуйидаги мисолларни таққосланг ва бундай феъллар ўзларида физик ўзгаришни акс эттиришига эътибор қилинг:

1) *cool* –ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиз феъл:

Become or make cool;

2) *dry* – ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиз феъл:

Make or become dry;

3) *heat* – ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиз феъл:

Make hot or warm

Симметрик феъллар маълум бир ҳаракат ёки ҳолатни икки томондан, яъни объект томондан ҳам, субъект томондан ҳам ифодалашда каузативлик хусусиятини йўқотиб, бошқа янги бир семантик категорияга эга бўлади. Бунинг учун қуйидаги жадвалга эътибор қилайлик:

Ҳаракатнинг объектга ўтиши (маълум бир ҳолатга келиш)	Субъект ҳолатининг ўзгариши
<i>boil smth (water)</i>	<i>smth (water) boils</i>
<i>hurt smth (leg)</i>	<i>smth (leg) hurts</i>

Бундай феълларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, субъектнинг активлик ва инактивлик параметрларига кўра аниқланиши нафақат аниқ ва мажҳул каби морфологик шакллар орқали, балки объектли ва субъектли синтагмаларнинг синтактик шакллари орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан: *The ball rolled. – The ball was rolled.*

Бу мисолдан кўриниб турибдики, бундай ҳолларда субъект ўрнида доимо жонсиз предмет туриши шарт. Агар феъл объект сифатидаги шахсга нисбатан кўчма маънода қўлланилса, бу феъл симметриялилик хусусиятига эга бўлмайди, яъни объект субъект билан ўрин алмашиши мумкин эмас.

Объектнинг субъект билан ўрин алмашиши фақат эмоционал, яъни ҳис-ҳаяжонли, эҳтиросли ва психофизик ҳолатларга тегишли бўлиб, уларда субъект асосан, жонли от, яъни шахс билан ифодаланиши зарур. Масалан:

Delay smb – smb delays

Delight smb – smb delights

Бундай симметрик феълларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бирини шундай изоҳлаш мумкинки, нафақат семантик объект семантик субъект ўрнини эгаллаши мумкин, балки, семантик субъект ҳам семантик объект ўрнини эгаллаши мумкин. Бунда гапдаги актантларнинг иккиёқлама ўзгариш ҳодисаси юз беради. Масалан:

delay to do smth

delight in smth

worry about smth

Бундай феълларнинг семантикаси субъектли шаклда, яъни гапнинг субъекти шахс билан ифодаланганда эмоционал ҳолатни ифодалаш жараёнида янада актуаллашади. Бунинг учун феъл ўзидан сўнг *–ly* қўшимчали равишларни талаб қилади. Масалан:

Smb embraces easily – бирор киши осон ҳижолат тортади;

Smb angers quickly – бирор киши тезда жаҳлланади;

Бир қатор симметрик феълларда семантик субъект ва объектларнинг ўрин алмашилиш ҳолати феълдаги лексик маънонинг ўзгаришига олиб келади. Бу ҳолат авваламбор, предметларнинг баҳоланиш ва предметларнинг мавжудлигини умумлаштириш каби хусусиятлар билан тавсифланади. Масалан: *the books will sell quickly* - китоблар тез сотилади

The material doesn't wash – материал ювишга ярамайди

Феълларнинг бундай субъектли лексик-семантик вариантлари нафақат контекстга хос, балки шаклий тавсифга ҳам эга. Улар кўпинча содда ҳозирги

замонларда, хусусан инкор гапларда қўлланилади. Бундай ҳолларда қоидага мувофиқ, *can't* шакли эмас, балки феълларнинг лексик-семантик вариантлари ифодаляйдиган маънолардан мантикий тарзда келиб чиққан ҳолда *don't*, *won't* шакллари ишлатилинади. Бундан ташқари, улар кўпинча равишлар билан бирга келади. Масалан:

The window won't lift. – Дераза очилмайди.

The plants don't kill easily. – Ўсимлик чидамли.

Феъл актантларининг ўзаро ўрин алмашиши натижасида нафақат феъл лексик маъноси қисман ўзгаради, балки феъллар қисман десемантизация ҳодисасига учрайди ёхуд улар боғловчи феълга айланади. Масалан :

Feel smth – smth feels good

Бирор нарсни ушлаб кўрмоқ – бирор нарса силлиқ бўлмоқ

Taste smth – smth tastes nice

Бирор нарсани татиб кўрмоқ – бирор нарса мазали бўлмоқ

Шундай қилиб, ишимизнинг ушбу бўлимига яқун ясаб, қуйидагича хулосаларга келиш мумкин:

1. Симметриқ феълларнинг семантик субъект ва объектларнинг ўрин алмаштириш имкониятлари турли хил семантик ўзгаришларга олиб келади.
2. Агар гапда фақат категориал тегишлилик ўзгарсагина феълларнинг хусусий лексик маънолари сақланади.
3. Симметриқ феълларнинг нафақат категориал тегишлилиги, балки қисман бўлса ҳам хусусий лексик маънолари ҳам ўзгариши мумкин.
4. Симметриқ феълларнинг нафақат лексик маънолари ўзгариши мумкин, балки улар қисман бўлсада десемантизация ҳодисасига учраши ва гапда боғловчи феъл вазифасини бажариши ҳам мумкин.
5. Симметриқ феъллар семантикасининг актуализацияси кўпинча маълум бир контекстлар шароитидагина намоён бўлади.

2. Симметрик феълларнинг синтагматик ва парадигматик хусусиятлари

Симметрия сўзининг турли манбалардаги талқинини ўрганиш шуни кўрсатадики, маконда мавжуд бўлган маълум бир ўқнинг икки томонидаги унсурларнинг ўзаро жой алмашуви натижасида моҳият ўзгармаса, симметрия ҳодисаси деб қараш мумкин. Масалан:

*Washing **shrunk** the dress – Ювиш куйлакни кичрайтирди.*

*The dress **shrunk** in washing. – Куйлак ювишда кичрайди.*

Ушбу мисолларда *кичрайиш* ҳодисасини симметрия ўқини ташкил қиладиган бир нарса деб қарасак, унинг нўқталаридан *куйлак* ва *ювиш* тушунчаларини англатган сўзлар ўрин олади. Эътибор бериб қаралса, биринчи ва иккинчи мисолларда симметрия ўқи буржларини ташкил қиладиган унсурлар ўзаро жой алмашсада, аммо ҳар иккала гапда ҳам феълнинг асосий маъноси ўзгармайди. Симметрия ҳодисаси юқорида келтирилган синтактик қурилмалар мисолида *to shrink* феълини ўтимли ва ўтимсиз бўлиб ишлатилиши ҳисобига таъминланган.

Ҳозирги замон инглиз тилида симметрия ҳодисаси феълларнинг нафақат ўтимли ва ўтимсиз категориал шаклларида ишлатилиши орқали, балки бир инвариант маънода ўзлик олмоши ёрдамида ифодаланиши мумкин. Масалан: *She dresses – У кийинади.*

She dresses herself - У (ўзи) кийинади.

Юқоридаги мисолимизда, яъни (*кийиниш* эмас) *кичрайиш* маъносидаги феъл иштирокидаги гапларда кўзга яққол ташланадиган нарса, бу *washing* ва *dress* сўзларининг ўзаро ўрин алмашишидир. Бу ҳодиса ўз навбатида грамматик маъно англатишнинг бир воситаси бўлган сўз тартиби масаласига олиб келади. Зеро, сўзларнинг гапда маълум бир тартибда жойлашиши грамматик маъно англатиш учун хизмат қилади. Бу восита ҳозирги замон инглиз тили учун жуда муҳим ҳисобланади, чунки сўз тартиби сўзларнинг

гапдаги вазифаси, яъни уларнинг қайси гап бўлагига таалуқли эканлигини кўрсатади.

Феълларнинг симметриялилиги шундан иборатки, у бир ҳаракат ёки ҳолатни ҳар томонлама, яъни объект томондан ҳам, субъект томондан ҳам ифодалаши мумкин. Бундай феълларга нисбатан предмет номлари субъект ва объектнинг икала актантли ҳолатини ҳам эгаллаши мумкин. Масалан:

burn smth. – бирор нарсани ёқмоқ;

smth. burns – бирор нарса ёнмоқ;

dry smth – бирор нарсани қуритмоқ;

smth dris – бирор нарса қуримоқ;

Симметрик феъллар учун бир гапда объект ролида, иккинчи гапда субъект ролида келадиган синтагмаларнинг келиши шарт.

Гап тузилиши, бу гап орқали ифодаланаётган борлиқ парчаси тузилиши билан солиштирилади. Гап инсон онгида акс этган борлиқдаги айрим воқеани, борлиқ парчасини ифодалайди. Гап бўлаклари эса борлиқнинг онгда акс этган алоҳида унсурларининг шу вазиятда қайси вазифани бажараётганлигини кўрсатади. Масалан: *The dress **shrunk** in washing.* – Куйлак ювишда **кичрайди** гапида *The dress* – куйлак ҳаракат субъектини, *shrunk* - **кичрайди** ҳаракатни, *in washing* - ювишда ҳаракат ўрнини ифодалайди.

Синтактик бирликлар синтагматик ва парадигматик муносабатда бўладилар. *Washing **shrunk** the dress* – Ювиш куйлакни **кичрайтирди** қурилмасини синтагматик муносабатлар нуқтаи назаридан қараганда ундаги синтактик бирликлар шаклий жиҳатдан ҳам, мазмуний жиҳатдан ҳам бири бири билан тўғри боғлангандир. Масалан, юқорида айтиб ўтилган мисолдаги симметрик феъл ҳисобланмиш *to shrink* – **кичраймоқ** феъли ўтимлилик хусусий грамматик маъносига эга бўлганлиги туфайли шаклий жиҳатдан воситасиз тўлдирувчи вазифасидаги отни бошқариб келади. Демак, тобе синтагма(*the dress*)нинг воситасиз тўлдирувчи бўлиб келишини талаб қилади. Ҳар қандай воситасиз тўлдирувчи вазифасидаги отнинг феъл билан

грамматик боғланиши шаклий жиҳатдан тўғри, лекин мазмун жиҳатдан тўғри келмаслиги ҳам мумкин. Масалан, *to shrink* – *кичраймоқ* симметрик феъли фақат кичрайиш мазмуний майдонига кирувчи сўзлар (*suit* ‘*костюм*’, *shoes* ‘*туфли*’, *trousers* ‘*шум*’ каби сўзлар) билан боғлана олади.

Ҳоким синтагма талаби билан синтагманинг маълум бир синтактик шакл касб этиши бошқарув ҳисобланади. Бу ҳодиса келишикка эга бўлган тилларда сўзларнинг келишик қўшимчалари билан бошқарилади. Инглиз тилида эса, келишик категорияси бўлмаганлиги сабабли бундай синтактик муносабат предлоглар орқали ифодаланади. Масалан, *The dress shrunk in washing.* – *Куйлак ювишда кичрайди* гапидаги тобе муносабатда бўлган *washing* сўзи ҳоким муносабатдаги *shrunk* сўзи талаби билан *in* предлоги ёрдамида боғланган. Бошқарув алоқасида тобе синтагма ҳоким синтагманинг синтактик ва мазмуний валентлигини юзага чиқариш учун хизмат қилади. Шунинг учун ҳоким қисмнинг қандай сўз билан ифодаланиши ҳам бундай алоқа учун ҳам ката аҳамиятга эга.

Бошқарувчи сифатида энг кўп қўлланадиган сўз туркуми феълдир. Шунинг учун ҳам юқорида кўриб чиқилган икки хил курилмада бошқарув алоқаси феъл бошқаруви саналади. Масалан, бошқа бир симметрик феъл иштирокидаги мана бу гапларга эътибор қилайлик:

The sun is heating the earth. – *Қуёш ерни қиздиряпти.*

The earth is heating in the sun. – *Ер қуёшда қизияпти.*

Синтактик бирликларнинг макон ва замонга боғлиқ бўлмаган ўзаро ассоциатив муносабати парадигматик муносабат ҳисобланади. Маълум бир асосда ўзаро ассоциалашган синтактик бирликлар парадигма аъзолари саналади. Парадигма аъзоларининг умумлашмаси эса маълум умумлашмани, категорияни ҳосил қилади. Парадигма ва унинг аъзолари ўртасида умумийлик ва хусусийлик хусусияти намоён бўлади. Ҳар қандай умумийлик (инвариант) хусусийликлар (вариантлар) орқали ифодаланади.

Синтактик бирлик икки ва ундан ортиқ вариант-маънолар бирлигидан ташкил топган инвариант маънога эгадир. Маълум синтактик бирлик орқали

ифодаланган инвариант маънонинг вариант маънолари ўртасидаги муносабат шу синтактик бирликнинг мазмуний парадигмасини ҳосил қилади. Масалан, эга орқали ифодаланган субъектнинг инвариант маъноси қуйидаги маънолар бирлигидан иборат:

Ҳаракатни юзага чиқарувчи (агенс) - *The earth is heating in the sun.*

Ер қуёшда қизияпти.

Агенс таъсирига учровчи субъект (пациенс) - *The sun is heating the earth.*

Қуёш ерни қиздириятти.

Синтактик кўп синонимия, синтактик омонимия ходисалари парадигматик ва синтагматик муносабатларнинг маълум бир кўринишлари ҳисобланади. Синтактик бириликлар реал ҳолда бир канча нутқий кўринишларда намоён бўлади. Ҳар қандай синтактик бирлик ўзида моҳият ва ходиса, умумийлик ва хусусийлик диалектикасини тил ва нутқ бирликларига бўлиниши орқали акс эттиради. Ҳар бир аниқ сўз бирикмаси ёки гап орқасида тилнинг қандайдир моҳияти ётади. Масалан, юқоридаги гапларнинг биридаги ... *is heating the earth* аниқ нутқий бирикмани, яъни икки сўз шаклининг грамматик – семантик алоқасини акс эттиради : учинчи шахс бирликдаги ҳозирги замон симметрик феъли *is heating* (ҳоким синтагма) ва воситасиз тўлдирувчи вазифасидаги от - *the earth* (тобе синтагма).

Бу сўз бирикмасининг муҳим белгиси шуки, ҳоким синтагма ўтимли феълдан, тобе синтагма эса воситасиз тўлдирувчи вазифасидаги от билан ифодаланган. Гап бошқа синтактик бирликлардан предикативлик белгиси орқали фарқланади. Гапни коммуникатив бирлик сифатида шакллантирувчи восита ҳам предикативликдир. Предикативлик гапнинг асосий грамматик категорияси бўлиб, у майл, замон, шахс, сон категорияларининг синтезидан иборат. Предикативликни мантиқий ва грамматик нуқтаи назардан таҳлил қилиш мумкин.

Биз *The sun is heating the earth.* - *Қуёш ерни қиздириятти* гапига эътибор қилсак, ундаги предикативлик мантиқий нуқтаи назардан сўз шакллариининг ўзаро муносабатидан иборатдир. Грамматик нуқтаи назарга

кўра эса, у икки сўз шаклининг ўзаро муносабатидан эмас, балки юқоридаги гап таркибида иштирок этган грамматик категориялар : аниқлик майли, ҳозирги замон, учинчи шахс бирлик грамматик шакллари орқали ифодаланган.

Кесими феъл билан ифодаланган гапларда кесимдан англашилган ҳаракат учун ҳолат билан боғлиқ икки субъект иштирок этади. Бири ҳаракатни юзага чиқарувчи субъект (агенс), иккинчиси эса агенснинг ҳаракатни юзага чиқаришга таъсир қилувчи, сабабчи бўлувчи субъектни билдиради. Масалан, *The sun is heating the earth* гапида икки маъно ифодаланмоқда : *ер қизияпти* ва *қуёш ернинг қизишига таъсир қиляпти*.

Инглиз тилида феъл сўз туркуми бошқа тиллардаги феъллар каби бироз мураккаб бўлган сўз туркумларидан бири ҳисобланади. Симметрик феъллар эса, ҳали унчалик ўрганилмаганлиги сабабли ҳозиргача тилшунослар ўртасида мунозарага сабаб бўлиб келмоқда.

Биз ишимизнинг ушбу бўлимига қуйидагича хулоса қилиб, яқун ясашимиз мумкин:

1. Инглизча симметрик феълларнинг ўнг ва чап актантлари уларнинг семантикаси нуқтаи назаридан маълум бир тизимга солинмаган. Симметрик феълларнинг айнан, шу хусусдаги семантикаси феълларнинг симметриялилиқ хусусиятини аниқлайдиган ҳал қилувчи фактор бўлиб ҳисобланади.

2. Инглиз тилидаги симметрик феълларни ўрганиш инглиз тилини ўқитиш ва матнларни компьютер ёрдамида қайта ишлаш жараёнида муҳим амалий аҳамиятга эга.

3. Симметрик феъллар атрофидаги сўзлар семантикасини формализациялаш инглизча симметрик феълларининг маъносини аниқ англаб олишга ва ўзбек тилига тўғри таржима қилишга катта имконият яратади.

3. Симметрик феълларнинг структур–синтактик хусусиятлари

Биз ишимизнинг ушбу бўлимида инглиз тилида мавжуд бўлган симметрик феълларнинг ўзига хос структур-синтактик хусусиятлари борасида тухталмоқчимиз. Зеро, симметрик феълларни структур жиҳатдан таҳлил қилиш улардаги симметриялилиқ хусусиятни кўз ўнгимизда аниқ ва ёрқин намоён бўлишига ёрдам беради.

Ишимизнинг тадқиқот объекти ҳисобланган симметрик феъллар юқоридаги мисоллар асосида таҳлил қилиб чиққанимиздек, икки хил синтактик қурилмада ўз морфологик шаклини ўзгартирмаган ва умумий инвариант маъносини сақлаган ҳолда ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиз бўлиб ишлатилиниши билан тавсифланади. Масалан, симметрик феъл иштирокидаги қуйидаги синтактик қурилмаларнинг структур тузилишига эътибор қилайлик:

The sun is heating the earth. $N_1 - V - N_2$

Қуёш ерни қиздирипти.

The earth is heating in the sun. $N_2 - V - \text{prep.} - N_1$

Ер қуёшда қизияпти.

Мантиқ нуқтаи назаридан бундай ҳолат худди конверсия, яъни ўрин алмашиш ҳодисасига ўхшайди. Лекин шуни таъкидлаш керакки, симметрик феъллар учун албатта, гапда N_2 унсурнинг бўлиши шарт. Чунки, бизга маълумки, гаплар субъектсиз бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам бир синтактик қурилмада объект вазифасидаги, иккинчи синтактик қурилмада эса субъект вазифасидаги N_2 унсурининг гапда иштирок этиши шарт.

Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, биз симметрик деб атаётган феъл, аслида симметрия ўқи ҳисобланади. Унинг икки томонидаги эга ва тўлдирувчи эса симметрия ўқининг икки томони, яъни икки буржи саналади. Симметрия ўқининг бу икки томонидаги унсулар ўзаро ўрин алмашганда ҳам симметрик феъл ўз инвариант маъносини ҳамда ўз морфологик шаклини

Ўзгартирмаган ҳолда ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиз маънода ишлатилинади. Бундай ҳолатни ёрқин англаш учун қуйидаги структур жадвалга эътибор қилайлик. Бу жадвал *The sun is heating the earth.* - *Қуёш ерни қиздиряпти.* *The earth is heating in the sun.* - *Ер қуёшда қизияпти* мисолларига асосланган:

Мазмун плани	Актив / инактив (ўтимли) (ўтимсиз)
Ифода плани	<i>is heating</i>

Бу структур жадвалдан кўриниб турибдики, ифода планидаги *is heating* феъл шакли ўз морфологик кўринишини ёки шаклини ўзгартирмаган ҳолда мазмун планидаги актив ва инактив ёки яна бошқача қилиб айтганда ўтимли ва ўтимсиз маъноларни ифодаламоқда. Бунда феълнинг актив, яъни ўтимли маъноси феълнинг бошланғич маъноси ҳисобланади.

Симметрик феълларнинг энг кучли валентлик хусусияти бу - субъект валентлигидир. У от ёки олмош билан ифодаланиши мумкин. Иккинчи кучли валентлиги ўнг томон валентлиги бўлиб, у ҳам от билан ифодаланади. Бундай валентлик барча феълларга хос, лекин симметрик феъллар учун эса у релевант валентлик ҳисобланади. Симметрик феълларнинг ўнг томон валентлиги баъзи ҳолларда объект вазифасидаги от билан ифодаланса, баъзи ҳолларда эса воситали тўлдирувчи ёки ҳол вазифасидаги предлогли от билан ифодаланади. Бу ҳолатни қуйидагича кўринишга эга бўлган формула асосида исботлаш мумкин:

1) $S - V - N$ - объект вазифасидаги от;

2) $S - V - \text{prep. } N$ - воситали тўлдирувчи ёки ҳол вазифасидаги предлогли от;

Симметрик феълларнинг биринчи формуласи бошланғич формула ҳисобланиб, у актив ҳаракатни ифодалайди. Ушбу модел уч компонентли

гапларни акс эттириб, у инглиз тили грамматикасида минимал фразага мос келади. Симметрик феълларнинг бу кўринишини бошланғич модел дейишимизга сабаб, феъллар авваламбор, биринчи навбатда кўпинча воситасиз тўлдирувчилар билан бирикади, сўнгра эса воситали тўлдирувчи ёки ҳол билан бирикади. Шунинг учун ҳам луғатларда симметрик феълларнинг биринчи ўтимлилик, сўнг эса ўтимсизлик хусусияти кўрсатилиши бежиз эмас албатта:

crack vt. & i.

begin vt. & i.

Симметрик феълларнинг предлогли от (prep. N) иштирокидаги иккинчи модели (S – V – **prep. N**) феълларнинг инактивлик маъносини акс эттиради. Кўп ҳолларда бундай инактив маънолар “ квази – пассив ” маънолар деб аталади. Бу моделнинг ўзига хослиги биринчи навбатда нисбат масаласи билан боғлиқдир.

Симметрик феълларнинг бундай қурилмага эга бўлган моделини таҳлил қилиш жараёнидаги қийинчилик шундан иборатки, феълнинг аниқ нисбат шакли билан мажҳул нисбат шакллари ўртасидаги тафоввутдир. Чунки, симметрик феълларнинг иккинчи модели шунчаки бир қарашда худди мажҳул нисбатга ўхшашдек туюлади. Масалан, *Ер офтобда қизияпти ўрнига Ер офтоб томонидан қиздирляпти* деб ҳам тушуниш мумкин.

Инглиз тилидаги симметрик феълларнинг ўтимлилик ва ўтимсизлик хусусиятига тухталсак, уларни ўтимли ёки ўтимсиз феъл деб аташ ноўрин, негаки, улар ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиз хусусиятга эга. Шунинг учун ҳам уларни функционал жиҳатдан бивалентли феъллар, яъни икки валентли феъллар деб аташ мумкин.

Симметрик феъл иштирокидаги инглизча гапларнинг семантик – синтактик хусусиятлари ҳақида гапирсак, инглизча симметрик феълларни бир неча семантик синфларга ажратиш мумкин. Симметрик феълларнинг ҳар қандай лингвистик белгиси уларни семантик жиҳатдан синфларга ажратишда энг муҳим таянч воситалар бўлиб ҳисобланади. Симметрик феълларнинг

семантик валентлигини ва уларнинг луғатдаги маъноларига нисбатан таҳлил қилиш уларни қуйидагича семантик синфларга ажратишга имкон беради :

- 1) физик фаолиятни ифодаладиган симметрик феъллар:
open, close;
- 2) эмотив маъноли симметрик феъллар:
hope, depress;
- 3) локатив маъноли симметрик феъллар:
place, camp;
- 4) яратиш ва бузиш маъносидаги симметрик феъллар:
burn, break, crack;
- 5) ҳаракат маъноли симметрик феъллар:
fill;
- 6) квалитатив ва квантитатив маъноли симметрик феъллар:
increase, loose;
- 7) овоз чиқариш маъносидаги симметрик феъллар:
explode, ring;
- 8) аспектүал маъноли симметрик феъллар:
begin, end;
- 9) ҳолат ўзгаришини ифодаловчи симметрик феъллар:
dry, shrink;
- 10) маконда вазиятнинг ўзгаришини ифодаловчи симметрик феъллар: *delay;*

Симметрик феъллар ўзларининг семантик дистрибуциясига кўра, қуйидаги белгилари асосида тавсифланади. Бу нарса жадвалда ўз аксини топган:

Вазият тури	Функционал белгилар	Морфологик белгилар	Семантик белгилар
Ўтимлилик	Мажбурий актантнинг мавжудлиги	Мажбурий актант пред- логсиз от, олмош, баъзи ҳолларда феълларнинг инфинитиви билан ифодаланади.	Мажбурий актант объект семантика- сига эга
Ўтимсизлик	Мажбурий актант- нинг тушиб қолиши ёки унинг ўрнига сир- константнинг пайдо бўлиши	Сирконстантлар равиш ва предлогли отлар билан ифодаланиши мумкин.	Сирконс- татнтлар ҳол семан- тикасига эга.

Симметрик феъллар жадвалда кўрсатилган ўзига хос хусусиятларидан ташқари, муҳим трансформация усули билан ҳам инглиз тилидаги бошқа феълларга нисбатан қарама-қарши қўйилиши мумкин. Масалан, симметрик феъл иштирокидаги мисолни таққослайлик:

Fire is heating the water. – Олов сувни **иситяпти**.

X – A – Y

The water is heating on the fire. – Сув оловда **исияпти**.

Y – A – (предлог) X

Бу ерда трансформациянинг ўртасида турган **A** – ҳарфи симметрия ўқи ҳисобланса, **X** – ҳарфи симметрия ўқининг чап томони, яъни чап буржи, **Y** – ҳарфи эса симметрия ўқининг ўнг томони, яъни ўнг буржи ҳисобланади. Бу трансформацион моделдан ҳам кўриниб турибдики, субъект билан объект ўрин алмашса ҳам феъл ўз морфологик кўринишини йўқотмасдан, умумий маънони, яъни *иситиш* маъносини сақлаган ҳолда икки хил синтактик-семантик категорияни ифодаламоқда. Бу ўтимлилик ва ўтимсизлик категорияларидир. Ишимизнинг сўнгида ўтимли ва ўтимсизлик

категорияларининг симметрик феълларга қай даражада боғлиқлиги хусусида батафсил тухталмоқчимиз.

Инглиз тилида феъл анчагина мураккаб сўз туркуми булиб, у бошқа сўз туркумларидан ўзига хос грамматик шакл ва маънолари билан ажралиб туради. Феъл назарий масалаларининг ечими у нутқда ёнма-ён келадиган сўзлар табиати ва улар ҳосил қиладиган оппозицияларга боғлиқ. Масалан, муайян феълни у ёки бу семантик–синтактик турга таалуқли эканлигини аниқлаш унинг синтактик қуршовини ўрганишни талаб қилади. Бу эса ўз навбатида феълларнинг семантик-синтактик хусусиятларидан бири бўлган ўтимлилик ва ўтимсизлик қоидаси билан бевосита боғлиқдир.

Инглиз тилида феълларнинг ўтимли ёки ўтимсиз мақомда ишлатилиши феъллардаги симметрия ҳодисасининг моҳиятини очишга ёрдам беради. Мантиқдаги симметрия ҳодисаси симметрик феълларни юзага келтирадики, уларнинг табиати ҳануз тилшунослар ўртасида мунозарага сабаб бўлиб келмоқда. Инглиз симметрик феълларининг ўнг ва чап актнларини, айниқса уларнинг семантикасини ўрганиш ҳозирги инглиз тилшунослигининг долзарб масалаларидан бири саналади. Чунки, феъл актантларининг семантикаси унинг симметриклик хусусиятини аниқлайди.

Инглиз тилидаги симметрик феъллар ўтимлилик ва ўтимсизлик категориялари билан чамбарчас боғлиқдир. Буни қуйидаги мисол асосида ҳам изоҳлаш мумкин: *The sun **burns** cotton –Қуёш пахтани ёндиряпти*

*Cotton **burns** in the sun - Пахта қуёшда ёнаяпти.*

Ушбу мисолларда ёниш ҳодисасини симметрия ўқини ташкил қиладиган бир нарса деб қарасак, унинг нўқталаридаги қуёш ва пахта тушунчаларини англатган сўзлар ўрин олади. Эътибор бериб каралса, биринчи ва иккинчи мисолларда симметрия ўқи буржларини ташкил қиладиган унсурлар ўзаро жой алмашсада, аммо ҳар иккала гапда ҳам феълнинг асосий маъноси ўзгармайди. Симметрия ҳодисасини юқорида келтирилган синтактик конструкциялар мисолида *burns*

феълининг ўтимли ва ўтимсиз бўлиб ишлатилиши ҳисобига таъминланган, яъни *ёндирмоқ* (ўтимли) ва *ёнмоқ* (ўтимсиз).

Феълларнинг симметриялилиги шундан иборатки, у бир ҳаракат ёки ҳолатни ҳар томонлама, яъни объект томонидан ҳам, субъект томонидан ҳам ифодалаши мумкин. Бундай феълларга нисбатан предмет номлари объект ва субъектнинг иккала актантли ҳолатини ҳам эгаллайди .

Симметриқ феъллар учун бир гапда объект ролида иккинчи гапда субъект ролида келадиган синтагмаларнинг бўлиши шарт.

Нихоят, шундай хулосага келиш мумкинки, симметриқ феъллар иштирокидаги гапларда кўзга яққол ташланадиган ходиса, бу эга ва тўлдирувчининг ўзаро жой алмашишидир. Бу эса ўз навбатида грамматик маъно англатишнинг бир воситаси бўлган сўз тартиби масаласига олиб келади. Зеро, сўзларнинг гапда маълум бир тартибда жойлашиши маълум грамматик маъно англатиш учун хизмат қилади.

ХУЛОСА

Биз инглиз тили феъл тизимига тегишли бўлган симметрик феълларни бирма-бир таҳлил қилиб чиқиш жараёнида уларнинг нақадар серқирра ва ўзига хос хусусиятларга бой эканлигига амин бўлдик. Инглизча симметрик феълларнинг грамматик, лексик, семантик ва структур жиҳатларини ҳар томонлама таҳлил қилиб, қуйидагича хулосаларга келдик.

1. Феъллар лексик-семантик жиҳатдан қуйидаги гуруҳларга бўлинади: 1) семантик – грамматик жиҳатдан мустақил ва ёрдамчи феълларга; 2) ифодаланаётган жараённинг ички хусусиятларига кўра ҳадли ва ҳадсиз, статик ва динамик феълларга; 3) синтактик қуршовда келадиган актантларнинг сони ва табиатига кўра бир ва кўп валентли феълларга ҳамда ўтимли ва ўтимсиз феълларга бўлинади.

2. Симметрик феълларнинг семантик субъект ва объектларнинг ўрин алмаштириш имкониятлари турли хил семантик ўзгаришларга олиб келади. Агар гапда фақат категориал тегишлилик ўзгарсагина феълларнинг хусусий лексик маънолари сақланади. Симметрик феълларнинг нафақат категориал тегишлилиги, балки қисман бўлса ҳам хусусий лексик маънолари ҳам ўзгариши мумкин.

3. Симметрик феълларнинг нафақат лексик маънолари ўзгариши мумкин, балки улар қисман бўлсада десемантизация ҳодисасига учраши ва гапда боғловчи феъл вазифасини бажариши ҳам мумкин. Симметрик феъллар семантикасининг актуализацияси кўпинча маълум бир контекстлар шароитидагина намоён бўлади.

4. Симметрик феъллар учун бир гапда объект ролида иккинчи гапда субъект ролида келадиган синтагмаларнинг бўлиши шарт. Симметрик феъллар иштирокидаги гапларда кўзга яққол ташланадиган ҳодиса, бу эга ва тўлдирувчининг ўзаро жой алмашишидир. Бу эса ўз навбатида грамматик маъно англатишнинг бир воситаси бўлган сўз тартиби масаласига олиб келади. Зеро, сўзларнинг гапда маълум бир тартибда жойлашиши маълум грамматик маъно англатиш учун хизмат қилади.

5. Инглизча симметрик феълларнинг ўнг ва чап актантлари уларнинг семантикаси нуқтаи назаридан маълум бир тизимга солинмаган. Симметрик феълларнинг айнан, шу хусусдаги семантикаси феълларнинг симметриялилиқ хусусиятини аниқлайдиган ҳал қилувчи фактор бўлиб ҳисобланади.

6. Симметрик феъллар атрофидаги сўзлар семантикасини формализациялаш инглизча симметрик феълларининг маъносини аниқ англаб олишга ва ўзбек тилига тўғри таржима қилишга катта имконият яратади.

7. Инглиз тилидаги симметрик феълларни ўрганиш инглиз тилини ўқитиш ва матнларни компьютер ёрдамида қайта ишлаш жараёнида муҳим амалий аҳамиятга эга.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

I. Рус тилидаги назарий манбалар:

1. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. –Москва: Русский язык, 1986.
2. Бархударов Л.С., Штелинг Д.А. Грамматика английского языка. – М., 1973. – 482 с.
3. Ерохина Т.В. О семантической актуализации одного типа английских Двуправленных глаголов. //Иностранные языки в вузах Узбекистана. Вопросы типологии и семантики. Ташкент, 1981. –С. 149-153.
4. Жигадло В.Н., Иванова И.П., Иофик Л.Л. Современный английский язык. –М., 1956. 350 с.
5. Иванова И.П., Бурлакова В.В., Почепцов Г.Г. Теоретическая грамматика современного английского языка. – М., 1984. 285 с.
6. Каушанская В.Л., Ковнер Р.Л., Кожевникова О.Н., Прокофьева Е.Ф., Райнес З.М., Сквирская С.Е., Цырлина Ф.Я. Грамматика английского языка. Ленинград, 1973. 319 с.
7. Кондаков Н.И. Логический словарь – справочник. –М.: Наука, 1979.
8. Кувенева А.Н. Семантико-синтаксические особенности английских двуправленных глаголов. АКД, М., 1978.
9. Сильницкий Г.Г. Типы транзитивно – интранзитивных глаголов в английском языке. // Типологическое сопоставление семантических классов знаменательных слов и их валентностных признаков в английских, немецких, французских и русских языках. – Смоленск, 1973. –С. 35-48.
- 10.Смирницкий А.Н. Синтаксис английского языка. –М.: Изд-во лит.на иностр.яз., 1957. –286 с.

II. Ўзбек тилидаги манбалар:

1. Бўронов Ж., Ҳошимов Ў., Исматуллаев Х. Инглиз тили грамматикаси.- Т., 1974.
2. Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. – Т., 1992. 256 б.
3. Мамасиддиқова М. Нисбат категориясининг феъл категориялари

ичида тутган ўрни. // Тил ва адабиёт таълими. Тошкент, 2006. –Б. 81-85.

4. Махмудов Н. Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.

5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-2- том. – Москва : Русский язык, 1981.

III. Инглиз тилидаги манбалар:

1. Blokh. M.Y. A course in Theoretical English grammar. – М., 1983.

384 с.

2. Ilyish B.A. The structure of Modern English. Moscow – 1965- Leningrad, - 379 p.